

Тошкент шаҳри

2022 йил "11" ноябрь

Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Буюртмачи" деб юритилувчи, "Ракамлаштириш ва сертификатлаш Маркази" давлат унитар корхонаси номидан директор в.в.б. Ш.Кўчимов, бир тарафдан, ва Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Ижрочи" деб юритилувчи, "SOFT NEWS" МЧЖ номидан директор Г.Алламов, иккинчи тарафдан, мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Буюртмачи" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.08.2022 йилдаги ПҚ-357-сон қарори ижроси доирасида энг яхши таклиф бўйича ўтказилган танлов натижасига мувофиқ "ERP sport" ягона бошқарув ахборот тизимининг "my.sport.uz" қисми электрон спорт хизматлари портали дастурий мажмуани ишлаб чиқиш ва электрон хизматларни ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграллаш ҳамда техник қўллаб-қувватлаш бўйича буюртма беради ва ушбу шартнома бўйича кўрсатилган хизматларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. "Ижрочи" эса, ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-иловасида кўрсатилган хизматлар рўйхатига мувофиқ ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва техник қўллаб қувватлаш мажбуриятини олади.

1.2. Хизмат кўрсатиш жойи: Ўзбекистон Республикаси.

1.3. 1 ва 2-иловалар ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Ижрочи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

2.1.1. ушбу шартноманинг 3.3-бандида назарда тутилган олдиндан тўловни ҳисобга олгандан кейин хизматларни кўрсатишни бошлаш;

2.1.2. ушбу шартнома шартларига ва иловада кўрсатилган хизматлар рўйхатига мувофиқ "Буюртмачи"га хизматларни сифатли ва ўз вақтида тақдим этиш;

2.1.3. кўрсатилган хизматларда "Буюртмачи" томонидан камчиликлар аниқланган тақдирда, "Ижрочи" уларни тарафлар томонидан белгиланган муддатларда бартараф этиш;

2.1.4. "Буюртмачи"нинг "Ижрочи"га электрон почта, факс орқали ёки бошқа йўл билан юборилган ёзма сўровига кўра, 3 (уч) иш куни ичида ушбу шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар тўғрисида тегишли маълумотлар тақдим этиш;

2.1.5. ушбу шартномани бажариш доирасида "Буюртмачи" олдидаги мажбуриятларни бажариш доирасида сезиларли даражада таъсир қилиши мумкин бўлган фактлар тўғрисида "Буюртмачи"ни ўз вақтида хабардор қилиш.

2.2. Ижрочининг ҳуқуқлари:

2.2.1. "Буюртмачи"дан ушбу шартнома бўйича хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган маълумотларни сўраш;

2.2.2. "Буюртмачи"дан ушбу шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

2.2.3. ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун учинчи шахсларни жалб қилиш, шу билан бирга уларнинг ҳаракатлари учун "Буюртмачи" олдида жавобгарликни сақлаш.

2.3. "Буюртмачи" ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

2.3.1. "Ижрочи" билан олдиндан келишиб олинган хизмат талаблари ва шартларини ёзма равишда батафсил баён қилиш ва ушбу шартномани имзолаш вақтида уни "Ижрочи"га тақдим этиш;

2.3.2. буюртма қилинган хизматларнинг барча ўзгаришлари, қўшимчалари ва бекор қилиниши тўғрисида "Ижрочи"га ўз вақтида ёзма равишда хабар бериш;


2.3.3. агарда "Буюртмачи" "Ижрочи" томонидан амалга оширишни бошлаган хизматларини рад этишга қарор қилса, "Буюртмачи" ушбу шартноманинг 9.2-бандида кўрсатилганидек, шартноманинг ўзгартирилган предмети ҳисобга олган ҳолда "Ижрочи" билан қўшимча келишув тузиш ва "Ижрочи"га бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳақиқатда қилган харажатларини қоғлаш;

2.3.4. "Ижрочи"нинг "Буюртмачи"га электрон почта, факс орқали ёки бошқа йўл билан юборилган ёзма сўровига кўра, 3 (уч) иш куни ичида ушбу шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар тўғрисида тегишли маълумотлар тақдим этиш;

2.3.5. ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган хизматларни ушбу шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3.6. "Ижрочи" томонидан кўрсатилган хизматлар учун ушбу шартномада белгиланган шартларга мувофиқ ҳақ тўлаш.

2.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:



2.4.1. “Ижрочи”дан ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-иловасида кўрсатилган хизматлар рўйхатига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган хизматлар кўрсатилишини талаб қилиш;

2.4.2. “Ижрочи”нинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятига аралашмасдан “Ижрочи” томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг бориши ва сифатини текшириш;

2.4.3. “Ижрочи” ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда ҳақ тўлашдан бош тортиш.

2.5. Тарафлар ўртасида кўрсатилган хизматларнинг камчиликлари бўйича низо юзага келган тақдирда, Тарафлар камчиликларни баҳолаш, уларнинг моҳиятини, тузатиш харажатларини аниқлаш ва низо хал қилиш учун мустақил мутахассисни жалб қилишлари шарт. Бундай баҳолашни ўтказувчи мутахассис Тарафларнинг келишувига асосан белгиланади. Мутахассис хизматлари учун тўлов “Ижрочи”га юкланади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг 2-иловасида кўрсатилган хизматлар рўйхатига мувофиқ, хизматларнинг умумий қиймати энг яхши таклиф танлов натижасига мувофиқ голиб бўлган “Ижрочи” ҚҚС тўловчи бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.06.2017 йилдаги ПФ-5099-сон фармони 5-бандига мувофиқ ҚҚСдан озод этилган бўлса “Буюртмачи” ҚҚСсиз 2 060 869 565 сўм 21 тийин (икки миллиард олтинчи миллион саккиз юз олтинчи тўққиз минг беш юз олтинчи беш) сўм 21 тийин ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан банк ўтказмаси орқали амалга оширилади.

3.2. Ушбу шартноманинг 2-иловасида кўрсатилган хизматлар рўйхатига мувофиқ, хизматларнинг умумий қиймати энг яхши таклиф танлов натижасига кўра ҚҚС билан 2 370 000 000,00 (икки миллиард уч юз еттичи миллион) сўмни шу жумладан ҚҚС 309 130 434,79 (уч юз тўққиз миллион бир юз ўттиз минг тўрт юз ўттиз тўрт) сўм 79 тийинни ташкил этади. Тўлов “Ижрочи”нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан банк ўтказмаси орқали амалга оширилади.

3.3. “Буюртмачи” Тарафлар ушбу шартномани имзолаган пайтдан эътиборан 10 (ўн) банк иш куни ичида шартноманинг умумий қийматининг 15 фоизи миқдорида хизматлар учун олдиндан тўлаш мажбуриятини олади.

3.4. Шартноманинг 2-иловасида келтирилган хизматлар топширилганда ҳар бир ҳисоб-китоб Тарафлар кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатномани имзолаган ва “Ижрочи” томонидан берилган электрон ҳисоб-фактурани рўйхатдан ўтказган пайтдан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни ичида амалга оширилади.

3.5. “Буюртмачи”нинг топширигига кўра хизматлар таркибининг белгиланган тартиби ёки ушбу шартноманинг бошқа шартлари хизматлар ҳажмининг кўпайиши ёки камайишига олиб келадиган ўзгаришлар бўлса, хизматларнинг нархи ва шартларини ўзгаришсиз қолдирилади.

4. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган хизматлар рўйхатига мувофиқ “Ижрочи” “Буюртмачи”ни хизматларнинг оралиқ босқичини бажарганлиги тўғрисида “Буюртмачи”нинг электрон манзили(почтаси)га тегишли ҳужжатларни жўнатиш орқали хабардор қилади.

4.2. Хизматларни кўрсатишнинг барча оралиқ босқичларини тугатгандан сўнг, “Ижрочи” “Буюртмачи”га ўтказиладиган мутлоқ ҳуқуқлар ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатномаларини 2 (икки) нусхада шахсий узатиш орқали тақдим этади. Агар “Буюртмачи” кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатномани олган кунидан эътиборан 10 (ўн) иш куни давомида имзоламаса ва/ёки ушбу муддатда уни имзолашдан рад этишдан асосли сабаблар “Ижрочи”га тақдим этмаса, “Ижрочи” томонидан кўрсатилган хизматлар автоматик равишда тўғри кўрсатилган деб ҳисобланади, шунингдек, ушбу шартнома бўйича кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома “Буюртмачи” томонидан имзоланган деб ҳисобланади.

4.3. “Буюртмачи” томонидан тизим қабул қилиб олинган “Ижрочи” томонидан тизимлар ишга тушурилгандан сўнг тизимни тўлиқ тўғри, сифатли белгиланган лойиҳа техник ҳужжатлар (лойиҳа паспорти, лойиҳа концепцияси ва техник топшириқ) таълаблар асосида ишлаши учун 1 йил муддатгача қафолат беради.

4.4. Кўрсатилган хизматлар ушбу шартномада ва иловаларда кўрсатилган хизматлар рўйхатига мувофиқ белгиланган талабларга мос келмаган тақдирда, Тарафлар тегишли камчиликларни бартараф этиш тўғрисида икки томонлама далолатнома тузадилар. “Ижрочи” Тарафлар томонидан келишилган муддатда аниқланган камчиликларни бартараф этиш мажбуриятини олади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда “Буюртмачи” “Ижрочи”дан кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида

пеня тўлашини талаб қилишга ҳақли, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Ижрочи” “Буюртмачи”дан муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлашини талаб қилиши мумкин, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.4. Пеня тўланиши ушбу шартнома мажбуриятларини бузган Тарафни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва хизматлар кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган Тарафларнинг жавобгарлиги фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади, агар Тарафлар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги форс-мажор ҳолатлари сабаб бўлса, булар, Тарафларнинг иродаси ва хоҳишига зид равишда юзага келган ва Тарафлар олдиндан кўра олмайдиган ва олдини олиш мумкин бўлмаган фавқулодда ва муқаррар ҳолатлар, хусусан, сув тошқинлари, ёнғинлар, зилзилалар, саботажлар, ҳарбий ҳаракатлар, блокадалар, қонунчиликдаги ўзгаришлар, ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг тўғри бажарилишига тўсқинлик қиладиган, шунингдек, бошқа фавқулодда вазиятлар.

6.2. Бундай ҳолатларга, хусусан, учинчи шахслар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, бозорда ушбу Шартномани бажариш учун зарур бўлган товарлар ва хизматларнинг этишмаслиги кирмайди.

6.3. Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг тегишли ёзма тасдиғи форс-мажор ҳолатлари мавжудлигини ва уларнинг давомийлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

7. МАХФИЙЛИК

7.1. “Ижрочи” “Буюртмачи” билан ушбу Шартномани тузиш натижасида унга маълум бўлган махфий маълумотларни сақлаш мажбуриятини олади.

7.2. Тарафлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш натижасида уларга маълум бўлган махфий маълумотларни ва бошқа маълумотларни сир сақлаш учун барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини оладилар.

7.3. Махфийлик мажбурияти чексиздир.

7.4. Агар Тарафлардан бири махфий маълумотларни иккинчи Тарафнинг руҳсатисиз ошкор қилса, у иккинчи Тарафга етказилган зарарни, шу жумладан ҳар қандай ҳақиқий зарар ёки фойда йўқотилишини қоплайди.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномани бажарилишида юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар Тарафлар ўртасида ўзаро музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Тарафлар, ўзаро ҳал қилинмаган низолар, қонунда белгиланган низоли судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя қилганидан сўнг, Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан ҳал қилиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ЎЗГАРТИРИЛИШИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартнома Тарафлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга кириди ва амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

9.2. Ушбу шартноманинг муҳим шартларини (мажбуриятларни бажариш шартлари ва бошқалар) ўзгартириш Тарафлар келишувига кўра мумкин.

9.3. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда тузилган ва Тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади. Ўзгартириш ва қўшимчалар иккала Тараф томонидан имзолангандан кейин ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.4. Ушбу шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

9.4.1. Тарафлар келишувига кўра;

9.4.2. “Буюртмачи”нинг ушбу шартномани бажаришдан бир томонлама рад этиши муносабати билан қуйидаги ҳолларда:

1) “Ижрочи” томонидан 20 (йигирма) кундан ортиқ муддатда ушбу Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган мажбуриятларни бузиш;



2) кўрсатилган хизматларда аниқланган камчиликларни 20 (йигирма) кун муддата бартараф этилмаса;

3) “Ижрочи” сабабсиз ушбу шартнома бўйича хизматларни кўрсатишдан бош тортиши ёки бўйин товлаши.

9.4.3. Суд қарорига кўра.

10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

10.1. Тарафлар, мазкур шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб ўзлари вакиллари, ходимлари, уларнинг назорати остида ёки таъсир кўрсатадиган бошқа шахслар томонидан келажакда, ушбу шартномани тузиш ҳамда бажариш билан боғлиқ ҳар қандай турдаги ноқонуний пул ва бошқа имтиёزلарни таклиф ва талаб қилмасликларини (шу жумладан қабул қилмасликларини) кафолатлайдилар.

10.2. Тарафлар, ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида қуйида келтирилган қондаларга риоя қилишлари ва ўз вакиллари, ходимлари ва уларнинг назорати остидаги ёки таъсир кўрсатадиган бошқа учинчи шахслар томонидан мазкур қондаларга амал қилиниши борасида оқилона чоралар кўриш мажбуриятини оладилар.

10.3. Тарафлар, ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида қуйидаги ҳаракатларни ўзлари, шу жумладан учинчи шахслар орқали ҳеч қандай шаклда амалга оширмасликни ўз зиммаларига оладилар:

- порахўрлик-тижорат ёки бошқа турдаги ноқонуний устунликни олиш ёки сақлаб қолиш мақсадида Тарафларнинг вакиллари ёки бошқа шахслар томонидан қонунга хилоф равишда мулкрий фойда олиш, бериш, ўтказиш, рухсат бериш;

- пора талаб қилиш ёки пора беришга ундаш-рад этилган тақдирда таҳдид билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган пора талаби;

- ваколатларни суистеъмол қилиш-тижорат ёки бошқа ташкилотда бошқарув функцияларини бажарувчи шахс ўз ваколатларини ушбу ташкилотнинг қонуний манфаатларига зид равишда ўзи ёки бошқалар фойда олиши ёки зарар етказиш мақсадида ишлатилиши;

- коррупция амалиётидан тушган даромадларни легаллаштириш, жиноий келиб чиқиши, манбаси, жойлашган жойи, тасарруф этиш усули, кўчириш ёки мулкка эгаллик қилишини яшириш агар бундай мулк жиноятлардан олинган даромад эканлиги маълум бўлса.

Ушбу Шартнома тарафлари амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатларини бузадиган бошқа ҳаракатларни содир этган тақдирда, тегишли тараф зудлик билан бошқа тарафни Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши қонун ҳужжатларида белгиланган қўшимча таъқиқлар тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

11. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

11.1. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган барча ҳолатларда Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.

11.2. Тарафларнинг реқвизитлари ўзгарган тақдирда, 10 (ўн) календар кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

11.3. Ушбу Шартнома ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга 2 (икки) нусхада тузилган.

12. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ:

“Рақамлаштириш ва сертификатлаш
Маркази” давлат унитар корхонаси

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод

А.Қодирий кўчаси 2- уй.

СТИР: 309 478 538

ОКЭД: 62 010

Банк реқвизитлари: АТИБ “Ипотека Банк”

Меҳнат филиали

Х.р. 20 210 000 105 525 428 001

МФО: 00 423

Телефон: +998 95 340-50-40

E-mail: dacc@minsport.uz

Директор В.в.б.

Ш.Кўчимов



ИЖРОЧИ:

“SOFT NEWS” масъулият чекланган жамият

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани

Авлиёта кўчаси 18-уй

СТИР: 302 783 084

ОКЭД: 62 010

Банк реқвизитлари: Тошкент шаҳар

“Алоқабанк”

Х.р. 20 208 000 600 271 233 001

МФО: 00 401

Тел.: (371) 241-15-94

Директор

Г.Алламов

